

Тв: Ихтиро Ва Фаолият Қирралари

Сайдуллаева Нодира Убайдуллаевна

Мустақил изланувчи

Анотация: Телевидение ўзининг синтетик табиати, вазифлари, санъатнинг бошқа турлари билан боғлиқлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Техник имкониятлардан тўла фойдалана олиш, ТВ маҳсулотларни асар даражасига олиб чиқиш долзарб мавзулардан биридир. Мақолада ТВнинг вазифалари, синтетик табиати, ифодавий воситаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: телевидение, санъат, репродуктив, мизансаҳна, визуал, вербал ифода, бадий ечим, эстетик бадий савия, телевизион аудитория.

Телевидение бошқа оммавий воситаларидан ўзининг синтетик табиати, ифодавий воситалар: тасвир, сўз, мусиқа ва монтаж хусусиятлари билан ажралиб туради. Хўш, телевидение қайси санъатнинг вакили, авлоди? Телевидение аудиовизуал оламининг энг ёш вакиллари билан бири ҳисобланади. У кўпроқ кинодан тажриба орттирганлигини ҳисобга олсак, уни кинонинг авлоди давоми дейиш мумкин. Аммо кинонинг аждоди қайси санъат бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб топиш мақсадида олим ва санъаткор бўлмиш С.Эйзенштейннинг оқилона ва одилона дея тан олинган қуйидаги фикрларини келтирамиз: “Кинонинг авлод-аждоди йўқ. Ўзга санъатларнинг авлод-аждоди уники ҳамдир”¹. Яна ўз фикрига қўшимча сифатида олим санъат вакиллари оғоҳлантириб ўтади: “Кимдан нимани ўрганишни билиш керак”. Барча санъатларнинг аждоди, телевидениенинг ҳам аждоди ҳисобланади, шунинг учун ҳам ТВ бошқа оммавий ахборот воситаларнинг тажрибасини ва бадий ижодини инкор этмайди.

Аксинча, ҳар бир санъатдан ижодий ўзлаштиради, доимо мурожаат этиб келади. Масалан, телевидение ранг-тасвир маҳорати, мизансаҳна ҳолатини тасвирий санъатдан, сўз қўллаш ва образлиликни бадий адабиётдан, ритмни мусикадан олган. Аммо айрим ҳолатларда ОАВ ва санъатни алоҳида ижод турлари сифатида талқин этиш, ўрганиш борасида турли соҳаларга ажратиш ҳоллари учрайди. Зеро, анъанавий вербал ифода ўрнини тобора визуал, аудиовизуал ифода эгаллай бошлаганида адабиётдан кўпроқ сюжет қурилиши, образларга берилган таъриф, озроқ композицион қурилиш, бадий ечим йўллари олинди. Аслида кино, телевидение, радио оғзаки ижодиётнинг, ёзма адабиётнинг бадий тўқимаси, таркиби ва мураккаблигини ўрганиши, ижодий ўзлаштириш зарур эди. Агар эътибор берилса, телевидениеда тақдим этилаётган кўрсатувлар кино сингари маълум бир жараёнларни бошидан ўтказди. Кино телевидение учун тажриба ва маҳорат мактабини ўтаган. Йиллар ўтсада, телевидение доимо кино санъати билан узвий боғлиқ бўлиб, гоҳида ўрганиб, айрим пайтларда ўргатиб келади. “ТВ ва кино ҳамisha бир—бирини бойитиб келади; зеро, уларнинг: бадий бисоти ягона; , табиати синтетик, қаҳрамони турли замонда ва маконда эркин ҳаракат қилади, иккисида ҳам тасвир устун туриши кўзда тутилади, иккисида ҳам ҳаракатдаги тасвир монтаж қилиниши, овоз воситалари билан бойитилиши назарда тутилади. Улар ўртасидаги тафовут эса кўпроқ: кичик экраннинг сатҳи ҳисобга олиниб, томошабин уй шаротида телемаҳсулот кўриши ҳисобга олиниб яратилиши билан боғлиқ.

¹ Акбаров Х. Кино-телережиссура монтаж. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Илм-зиё, 2007. - 6 бет.

Телевизион асарларда бошқа ОАВдан фарқли равишда тасвир, овоз, матн ва техник ифодавий воситалар қўлланилади. Шу сабабли ҳам телевизион асарнинг муваффақияти албатта, техник имкониятлардан тўла фойдалана олиш маҳоратига ҳам боғлиқ. ТВ маҳсулотини ким яратади? Муаллиф, муҳаррир, режиссёр, оператор, рассом ҳамда катта ижодий-техник ходимлар. Биз катта гуруҳнинг тўрт вакили ижоди, ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганиб, тадқиқ қилиб, илмий хулосаларимиз ҳамда тавсияларимизни магистрлик диссертациясида ёритишни мақсад қилдик. Зеро, кино, ТВ, радионинг ўн йилликлар билан ўлчанадиган тарихи, тажрибаси илмий жиҳатдан ўрганилиши, назарий хулосалар эса амалиятга тадбиқ қилинишига катта эҳтиёж мавжуд. Кўрсатувларнинг мазмун ва сифат жиҳатидан юксак савияда бўлиши, томошабин томонидан эътироф этилишида журналист кадрлар салоҳияти кўп нарсани белгилаб беради. Шу сабабдан ҳам телекўрсатув тайёрлаш ва узатишда муҳаррирнинг иштироки, кўрсатувнинг ғояси ва сценарийси муаллифининг ўзига хос ўрни, режиссёр ҳамда бошловчининг вазифалари ҳақида ўрганиш, тадқиқ қилиш лозим.

Телевидение ҳаётимизда муҳим ўринни эгаллаб туришини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. “Телевидение ихтиро этилиши билан матбуот таснифида жуда катта сифат ўзгариши, ҳақиқий инқилоб юз берди: кишилар ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўра олиш имкониятига эга бўладилар, ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасидаги энг қисқа йўл, энг қулай кўприк барпо этилди, инсон онгига таъсир этишининг, энг ишончли энг қизиқарли усули топилди. Телевидение фақат инсон онгига эмас, унинг ҳис туйғусига ҳам фаол таъсир кўрсатадиган ОАВ тури бўлди у инсон ақл заковати, тафаккурининг бемисл меваси, фан техниканинг буюк ютуғи, инсон маданияти эришган оламшумул натижа, ҳамда уни тараккий этишида тенгсиз омил бўлиб қолди. Ана шу буюк кашфиёт туфайли XX аср телевидение асри деб номланди”².

Юртимизда телевидение эндигина қанот ёзаётган пайтда дастлабки ютуқлар билан бирга албатта камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Илк маротаба олинган телесериалларни тадқиқ қиладиган бўлсак, уларнинг бадиий эстетик савияси пастлиги, кичик экран қоидаларига риоя қилинмаганлигини кўраемиз. Телевизион кино “соф” кино сингари овозсиз эмас, балки катта имкониятларга эга бўлган электрон техникага эга эди. “Оммага ахборот етказиб беришда оммавий ахборот воситалари ичида телевидение муҳим ўрин тутган ҳолда, ўзининг катта имкониятлари билан бошқа ахборот воситаларидан фарқ қилади”³. Бу имкониятлардан фойдаланмасдан, телевидение театр саҳнасида қўйилаётган тайёр спектаклларни тасмага кўчириб ёки томоша залидан тўғридан-тўғри эфирга узатаверди. Тасаввур қилинг: театр спектакли учун табиий бўлган декорациялар, турғун ҳолдаги мизансаҳналар, бўрттирилган ҳолда ифода этилган имо-ишора, ҳатти-ҳаракатлар, баланд овоз билан айтилган сўзлар-буларнинг барчаси маълум масофада томоша қилиш учун белгиланган. Ўта таъсирчан, эстетик бадиий савия эга саҳналар ҳам кичик экранда ўзининг нафислигини йўқотиб қўйди. Шунга қарамай катта экранга мослаб суратга олинган кинофильмлар ҳар оқшом теледастурдан ўрин олаверди. Телевидениенинг буюртмаси асосида бир қатор фильмлар ҳам суратга олинди. Аммо уларнинг ҳам бадиий шакли ва суратга олиш техникасининг кинофильмлардан фарқли эмаслигини ҳисобга олсак, бу уринишлар ҳам ТВ талабларига жавоб бермади, дея асослаш мумкин. Шу боис телевизион кинонинг кўп сериялигида, ойлар (ҳатто йиллар!) давомида танланган мавзунини ёрита олишида эмас, телетомоша уй шароитида, оила даврасида қабул қилиниши психологияси, экран сатҳи чеклангани- бу кабилар сюжет танланишига, сценарий ёзиш техникасига ҳам, суратга олиш ва монтаж қилиш жараёнига ҳам, суратга олиш ва монтаж қилиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади.

Телевидение яратилгандан сўнг у репродуктив вазифасини бажарган. Яъни, асосан, кино, концерт, театр, эстрада, ахборот воситалари, янгиликлар, сиёсий-иқтисодий воқеаларни ёритган. Баъзида хориж мамлакатлари, янги кашфиётлар, табиат манзаралари, ҳайвонот олами билан ҳам таништирилган. Бу жараёнда ижодий гуруҳ қандай иш бошлаган? Қай

² Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. —Т.: Тафаккур, 2011. -111 бет.

³ Цвик Л.В. Телевизионная журналистика. История. Теория. Практика. —М.: Аспект Пресс, 2004. стр.162

тариха илк дастурлар намойиш этилган? “Катта ижодий-техник гуруҳ дастлаб ахборот тайёрлаш, эфирга узатишда ёзма журналистика, радио тажрибасидан келиб чиқиб, матн ёзиш, уни ўқиб бериш билан чекланди. Тасвир бир нуктадан, турғун ҳолда олинган кадрдан иборат бўлди”⁴. Театр ва кино каби телевидение ҳам синтетик санъат ҳисобланади. Бошқа санъат турларидан фарқи ва афзаллиги унинг ҳар ерда хозирлигидир. Истаган жойда, истаган вақтда намойиш қилинади, томошабинга етказа олинади.

Кино бадиий образларни кўрсатиш хусусиятига эга бўлса, телевидение ахборотни оғзаки етказиш, оммавий тадбирларни кўрсата олиш, хабарларни саралай олиш, изоҳлаш имкониятига эга. Воқеа ва ҳодисаларни содир бўлиш вақтида тўғридан-тўғри намойиш қилади. Томошабин дастурларни шахсий манфаатдан келиб чиқиб танлайди. Мисол учун, театр, кинога битта томошани кўриш учун борилади. Телевидение кўрсатувларининг йўналиши, манзили аниқ мўлжалланган томошабини бор. Жамоатчилик фикри ўрганилади, инобатга олинади. Телевизион аудиториянинг маълумот даражасига, ёшига, вақтига қараб кўрсатувлар дастурланади. Кўрсатувларни томоша қилиш, идрок қилиш икки тарафлама: бир кишига ва миллионлаб томошабинга мўлжалланди. Бошқа санъат турларига қараганда телевидение бирваракайига бир неча жойлардаги воқеаларни намойиш қила олади. Кутилмаган ҳолатлар, хужжатлилик томошабин кўз олдида содир бўлади. Режиссёр нимани мақбул кўрса, томошабин шунини кўради. Кинодаги каби телеэкран ҳам ясси, кичик форматли хонага мўлжалланган. Шунинг учун ҳам телевидение йирик план санъати ҳисобланади. Театр, кинога нисбатан телевизорни хонадон мезбони сифатида томоша қила оласиз.

Ҳозирги кунда рақамли телевидениенинг ривожланиши тасвир сифатига катта эътибор қаратишга имкон берди. Кўп серияли фильмлар, телевизион фильмлар, роман ва қиссаларнинг телевизион адаптацияси, эпик асарлар, кўп камерали тасвирга олишлар телевидение туфайли рўёбга чиқди. Монтаж техникаси кинога нисбатан юксак даражада ўзгариб кетди. Ҳеч қандай химикатларсиз, жисмоний аралашувсиз монтаж усуллари пайдо бўлди. Булар ўз навбатида телевизион режиссёрдан муаллиф, актёр ва бошқа ижодий жамоа билан ишлашдан ташқари янги телевизион технологияни ўрганишни, унинг имкониятларидан унумли фойдаланишни вазифа қилиб қўйди. Телевидение жамоаси ижодий маҳсул беришдан ташқари катта ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиш хислатларини кўрсатди.

Йиллар ўтиб, телевидение нафақат бошқа санъат турлари ижодини эфирга узатиш, балки мазкур электрон воситаси билан санъат асарини яратиш мумкинлигини исботлади. Аммо, илк телевизион асарлар техника тараққиёти билан боғлиқ бўлмади. Улар бадиий ижод тажрибаси озми-кўпми ўзлаштирилганлиги боис пайдо бўлди. Масалан, Шарқ маданияти, халқ дostonлари, афсоналари, Европа алломалари асарларида кейинчалик ривож топган, мукаммаллашган бадиий воситалар, шакллар, услублар мавжуд бўлгани исбот этила бошланиши амалиётга ва уни ўрганиш методологиясига таъсир кўрсатди. Дарвешали Чангийнинг илмий мероси ва Камолиддин Бехзоднинг бадиий тажрибаси тасвир ҳамда овоз, мусиқа садоларини уйғунлаштириб янги аудиовизуал шакл қўлланилишига сабаб бўлган бўлса, мақомнинг фалсафаси, меъморчилик санъатининг улуғвор манзаралари илҳом бериши, “имоли” кўрсатмалари билан ижоднинг янги –синтетик соҳасида иштирок этиши мумкинлиги маълум бўла борди. Санъатнинг бу имкониятдан ТВ ва кино фойдалана бошлади. Экранда мусикани нафақат қулоқ билан тинглаш балки, уни кўз билан кўриш имконияти борлиги исботланди. Бу каби тажрибалар ТВ ва кино аҳлини қизиқтирар ва ижодкорлар аввал мусиқа оҳангига тасвирий санъат асарлари, фотосуратларни уйғунлаштиришга интилишди. Вақт ўтиб, фото ва тасвирий санъат асарларида мусиқадаги ритм, динамика, ҳаракат етишмаслиги кўриниб қолди. Бу эса кичик экран ижодкорларидан изланишни талаб қилди ва мусиқа ритми остида камерани ҳаракатга келтириш, бунинг натижасида эса “жон”ли кадрлар тасвирга олиниши кашф қилинди.

⁴Акбаров Х. Кино ва телевидение: креатив таълим жараёни. Ўқув қўлланма-монография. –Т.: Мусиқа. 2012. -46 бет.

Мана шу каби ижодий изланишлар натижасида кадрлар йириклиги ўзгариши, динамикаси ўсиб бориши нур манбаларини таратиб турган ёғду манбаи тобора мураккаблашиб боришига ҳам техник, ҳам ижодий эҳтиёж пайдо бўлди. Зеро, кичик экраннинг эстетикаси унинг ривожланиб бораётган техникаси билан узвий боғлиқдир. Фақатгина техник восита, дея ихтиро қилинган телевидение худди киноэкран сингари инсонни сийрат ва суратини тасвирлаш имконияти борлиги тан олинди. Унинг асосий хусусиятларидан бири бўлган теледастурларда ўзгаришлар кузатилди.

Дастурларда бевосита ёки билвосита томошабин билан коммуникация ўрнатилиши ва бунинг натижасида кичик экран орқали телетомошабин ўзини мазкур маконда хис қила олиши керак эди. Бу каби омилларни бажариш, томошабин ва экран ўртасидаги тўсиқни бартараф этиш мақсадида ТВ ижодкорлари томошабинлардан олинган интервьюларни жойлаштириш билан илк қадамни қўйди. Кейинчалик бошловчи ва муаллиф телетомошабин вакили сифатида намоён бўлди, улар ТВ мухлиси ва студия ўртасида кўз илғамас ришталар ҳосил қилди. Маълум вақтдан сўнг телевидение ўзининг хусусиятларини намоён этиш учун бир қатор ижод асарларини тақдим эта бошлади. Телевидение учун махсус тайёрланган кўрсатувлар даставвал “Зангори экран” талабларини бажармади. Зеро, телевизион концертнинг таркиби, композицион қурилиши ўзгариши ва албатта, мусиқани тинглаётган томошабин иштироки ҳам керак эди. Мазкур вазифаларни ким бажаради? Албатта, ТВ ижодкорлари. Бу эса ТВ учун тажрибали, етук мутахассис кадрлар заруратини юзага келтирди. Тадқиқот жараёнида аниқланган камчиликларини бартараф этиш бўйича тавсиялар:

Биринчидан, В.Белянскийнинг “ҳар бир даврнинг ўзига хос ғояси, мазмуни билан бирга, бадиий шакли ҳам бўлади”, деган теран фикрларни ёдда сақлаб, 25 йил давомида кино ва видеотасмаларга муҳрланган ҳужжатли, хроникал, илмий-оммабоп кадрларни ҳамда уларнинг мажмуаси бўлмиш катта-кичик фильмлар ҳам ўрганилса, бугунги кун ТВ ижодкорлари учун катта бадиий озуқа беради.

Иккинчидан, кўрсатувнинг сифати режиссёр, муҳаррир ҳамда телеоператорнинг ўзаро ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Муҳаррир нима демоқчи эканлигини, режиссёрнинг мақсадини оператор яхши англаб олиши керак. Танланган мавзу устида ҳар бир ижодкор изланиши, фақатгина муаллиф сценарийсига суянмасдан, режиссёрнинг ўзи ҳам уни бойитиш, муҳаррир ҳам мавзуга ёндошишда телевизион хусусиятларни инобатга олиб, телевизион захиралардан фойдаланишда имкон яратиши ТВ маҳсулотининг савиясига таъсир қилади.

Учинчидан, бугун телевизион санъат парадигмалари, назарий муаммолари атрофлича ўрганилиши ва илмий жиҳатдан ёритилишини ТВ амалиёти тақозо этмоқда. Фундаментал тадқиқот назарий фикр мукаммаллашиб бориши, телеэстетика масалаларини ёритиш, томошабин дидини тарбиялаш учун ҳам хизмат қилади. ТВнинг вазифасини тадқиқ қилишга йўл очади. Натижада назария ва амалиёт уйғунлиги, амалиётдаги камчиликларнинг назарий ечими аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Акбаров Х. Кино-телережиссура монтаж. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Илм-зиё, 2007.
2. Акбаров Х. Аудиовизуал минтақа манзилати. Илмий очерк ва мақолалар тўплами.–Т.: Фан ва технологиялар марказий босмаҳонаси, 2014 йил.
3. Акбаров Х. Кино ва телевидение: креатив таълим жараёни. Ўқув қўлланма-монография. – Т.: Мусика, 2012.
4. Борецкий Р., Кузнецов Г. Журналист ТВ в кадре и за кадром.–М.: Россия,1990.
5. Нишонова Г. Сержило аудиовизуал коммуникация. Илмий очерк ва мақолалар тўплами. Телевидение ихтироси: завқли ва машаққатли дамлар. – Т.: Фан ва технологиялар марказий босмаҳонаси, 2012.

6. Кузнецов Г.В. Семь профессиональных граней журналиста ТВ. –М.: ИПК работников ТВ и РВ, 2001.